

**БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИСИННИНГ ЎЗИГА ХОС  
ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Зикирьяева Манзура**

*БухДУ психология кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация:** Таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг ва ўқувчи ёшларнинг комил инсон сифатида тарбиялаш ва шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги юзасидан фикр мулоҳазалар ёритилган.

**Аннотация:** Высказываются мнения о проводимых реформах в системе образования и об особом внимании, уделяемом вопросам воспитания и формирования учащихся как полноценных людей.

**Annotation:** Opinions are expressed on the ongoing reforms in the education system and the special attention paid to the issues of education and formation of students as full-fledged human beings.

Таълим тизимида олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг замирида ўқувчи ёшларнинг комил инсонлар сифатида тарбияланиши ва шакллантирилиши масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги бугунги кунда долзарб масалалардан биридир. Ҳозирги замон мактаби ўқитувчилик шахси ва касбий фаолияти учун зарурӣ сифат ва фазилатларни эгаллаган, янгича фикрлайдиган, ижтимоий фаол педагогларни талаб этмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Педагог кадрларнинг касбий маҳорати сифати ва савиёсими узлуксиз юксалтириш” 1 олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш бўйича энг муҳим устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналар, урф- одатлар ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий- педагогик-психологик механизмлари ишлаб

чиқилди ва таълимни инсонпарварлаштиришнинг устуворлиги таъминланди. Талабаларда маънавий маданиятни ривожлантириш механизмларини жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содик, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараённида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш асосида такомиллаштириш Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида муҳим ўрин эгаллайди. Бу муаммони оқилона ҳал қилишнинг энг муҳим омилларидан бири- бу бошланғич синф ўқитувчилари касбий тайёргарлиги жараёнини мақсадга мувофиқ ташкил этишдир. Шунга биноан, мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизими соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири-кадрлар тайёрлаш сифатини жаҳон стандарти талаблари даражасига етказишидир.

Эндилиқда олий таълим муассасалари олдига фақатгина ўқимишли инсоннигина эмас, балки воқеаларни олдиндан кўра биладиган, тўғри қарор қабул қила олиш укувига эга, ўзини ўзи ривожлантириш заруриятини тушуниб етадиган оқил ва баркамол шахсни шакллантириш вазифаси қўйилмоқда. Дарҳақиқат, ўқимишли, руҳан тетик, соғлом ва жисмонан бақувват кишиларгина истиқлол ва тараққиёт йўлини босиб ўта олади. Юқоридаги мулоҳазаларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, республикамизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг яратувчиси тарзида шаклланаётган ёш авлодни вояга етказиш, уларнинг замон талаблари даражасида билим олиши, шахс сифатида камол топиши, касб-хунар сирларини ўрганиши ва кундалик турмуш юмушларини ҳал этишга тайёргарлик масаласи асосий муаммолар тариқасида таълим жараёнининг кун тартибида турибди.

Ўқитувчи психологиясига бағишлиган илмий тадқиқот ишлари ижтимоий-тарихий тараққиётнинг барча босқичларида амалга оширилиб келинган ва бу мавзу ҳозирги даврда ҳам ўзининг долзарблигини сақлаб турибди. Бунинг асосий моҳияти шундан иборатки, жамиятнинг такомиллашуви туфайли ўқитувчи ва унинг касбига нисбатан талаблар тобора

ортиб, сайқаллашиб бораверади. Худди шу боисдан таълим тизимининг бош ва асосий босқичи бошланғич синфлар бўлиб ҳисобланганлиги қадим ўтмишдан бизга мерос тариқасида ижтимоий турмушда қатъий ўз ўрнини топган қимматли воқеликдир. Ўқув-тарбия жараёнининг генезиси бўлмиш бошланғич таълим узлуксизлик, узвийлик принциплари ҳаракатининг механизми тарзида жамият қурилишининг асосий қисмларидан бири сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Шуни, таъкидлаш жоизки, психиканинг қонун ва қонуниятлари 20-25 йил оралиғида ўзгариб туришини ҳисобга олсак, бошланғич синф ўқитувчиси олдига қўйиладиган талаблар, касбий хислатларга нисбатан эҳтиёжлар, зарурий шарт-шароитлар ўзларининг моҳияти, шакли, кўлами, тавсифи билан бошқача кўринишни тақозо этади. Ҳозирги замон бошланғич синф ўқитувчиси касбий-фаолиятли мослашувининг самарали кечишида замонавий ўқитиш услубининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобланган қўйидаги жабҳаларга қатъий амал қилиши мақсадга мувофиқдир: -таълим жараёнини илмий-ғоявий тамойилларга мослаб дастурлаштириш (режалаштириш); -ўқув-билув материалининг мураккаблик даражаси ва ўрганиш суръатини ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал психологик хусусиятларига мослаш; -ўқувчиларнинг назарий ва амалий тайёргарликларини ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирига сингишини таъминлаш; -ўқувчиларнинг фаоллиги ва таълим жараёнининг автономлигини ошириш; -таълим олувчиларнинг индивидуал-амалий ва жамоавий ишларини бирга қўшиб олиб бориш; -ўқув жараёнини замонавий техник воситалар ҳамда кўплаб технодуслар ёрдамида жадаллаштириш;

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 – сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг —Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида||ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами. –Т., 2017. – Б.39. Бошланғич синф ўқитувчиси таълим ва тарбия

жараёнида қуйидаги принципларга амал қилиши лозим: а) Ўзини-ўзи ташкил этиш принципи-ўқув-билув фаолиятини самаради ташкил этишнинг мунтазам шаклланиб ва такомиллашиб бориш қонуниятларига амал қиласди; б) Эволюция принципи- ўқув-психологик жараёнининг шакл ва усулларини доимий ўзгартириб боришни назарда тутади; в) Автономлик принципи-устоз ва тарбияланувчини таълим жараёнида ташаббускор ҳамда фаол динамик ҳаракатларни бажаришга йўналтиради; г) Масъулиятлилик принципи-бу, билим олиш, малака ва қўникмаларни эгаллашда ўзи бажарадиган амаллар, ҳатти-ҳаракатларни изчил назорат қилиб боришини тақозо этади; д) Ролли иштирок принципи-бу, устоз ва таълим оловчидан специфик функциялар бажаришни талаб этади: устоз ўқувчининг ўқув-билув фаолиятини ташкил этувчи, бошқарувчи; талаба эса ижро этувчи ролини бажаради. е) Психологик сифат ва самарадорликни таъминлаш принципи-бу, ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятининг барча компонентлари мувофиқлаштирилган ягона механизмдек бўлишини назарда тутади; бунда жамоанинг барча аъзолари умумий мақсадга эришиш йўлида бир-бирларига ёрдам бериб, қийинчиликларни биргаликда бартараф этишга интилишлари ва маънавий-рухий ҳамкорлигини кўрсатади.

Педагог ва психолог олимларнинг таъкидлашича, замонавий мактаб ўқитувчисининг энг муҳим хислатлари қўйидагилардан иборат бўлиши лозим:

1. Ўқитувчининг шахсий хислатлари: ўз ватанига, халқига содиқлик, болаларни севиш, амалий-психологик саводхонлик, меҳнатсеварлик ва ижодкорлик, жамоат ишларида фаоллик, меҳрибонлик, дилкашлиқ, одамийлик , камтарлик, самимийлик, қатъийлик, дадиллик ва мустаҳкам характерга эга бўлиш, ўз билими ва маҳоратини изчил оширишга интилиш.

2. Ўқитувчининг касбига хос билими: таълим ва тарбия жараёни моҳиятини чуқур англаш, унинг мақсад ва вазифаларини тушуниш, умумий психология, педагогик ва ёш даврлари психологияси, этнопсихология билим асосларини эгаллаш, ҳозирги замон педагогикасининг назарий ва амалий асосларини билиш, ўз фанини ўқитиш методикасини билиш, мактаб ёшидаги болаларнинг билиш жараёнлари ва психологик хусусиятларини тушуниш,

уларга тарбиявий таъсир этишнинг самарали усулларини билиш, ота-оналар ва жамоатчилик билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг мазмун-моҳиятини билиш.

3. Ўқитувчининг касбиға хос хислатлари: миллий ғоя ва миллий мағкуруни тушуниш ва унга содик бўлиш, замонавий ўқув-тарбия асосини ташкил этган умуминсоний ва миллий бойликлар, анъаналар, қадриятлар ва урф-одатларнинг аҳамиятини тушуниш, ўқитувчи фаолиятининг сифат ва самарадорлигини таъминловчи педагогик қобилияtlар, педагогик кузатувчанлик, ўз дикқатэътиборини тақсимлай олиш, педагогик фантазиянинг ривожланганлиги, ўзига танқидий муносабатда бўлиш, ўзини тута билиш, педагогик тактнинг мавжудлиги ва нутқнинг эмоционал ифодаланиши каби компонентларнинг ўзаро уйғун намоён бўлиши. Юкорида кўрсатиб ўтилган хислатлардан ташқари ҳозирги замон ўқитувчиси яна, мақсад сари интилиш, уддабуронлик, меҳнатсеварлик, камтарлик, фидойилик каби қатор ижобий хислатларга ҳам эга бўлиши лозим. Шу билан бирга бошланғич синф ўқитувчиси доимий равишда ўз малака ва маҳоратини ошириб, ўз фаолияти муваффакиятини юкори даражада таъминлашга ёрдам берадиган шахсий ва касбий хислатларни ўзида тарбиялаб бориши зарурдир.

### **Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг — Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидағи Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2017. – Б.39.
2. Климов Е.А. Путь в профессию. - Л., 1974. – 143 с.
3. Давлетшин. М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчининг психологияси. –Т.: Ўзбекистон, 1999. – 306.
4. Жабборов А.М. Педагогик психологиянинг этник асослари. – Т.: Зарқалам, 2006. – 486.
5. Мақсадова М.С. Ўқитувчи психологияси. - Қарши.: Насаф, 2020. – 1006
6. **ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ МЕХАНИЗМЫ ФОРМИРОВАНИЯ  
СОЦИАЛЬНОГО ВООБРАЖЕНИЯ У ПОДРОСТКОВ** АА Ахмедов, ММ Зикиряева. Новый день в медицине.151-154, 1(29)2020

7. MADANIYATLARARO TAFOVUTLARNING GLABALLASHUV SHAROITIDA IJTIMOIY-PSIXOLOGIK XUSUSIYATLAR. ММ Зикирьяева ТАЪЛИМ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАҲЛИЛИ ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ 2 (3), 240-245
8. SHaxs psixologiyasida ranglarning egallagan o'rni xususida. Тафаккур ва талқин, 475-485
9. Ўсмирлар хулқ-аворида ижтимоий қадриятлар шаклланишига таъсир этувчи омилларни методологик асослари. ЗМ Мавлоновна, Psixologiya 4 (4), 124-128
10. О методологии психологического образования. АА Ахмедов, ММ Зикирьяева. Вестник интегративной психологии 19 (79), 63-67
11. The Problem of Development and Enrichment of the Vocabulary of the English Language of Philosophy in XYI Century HM Alimovna. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE 2 (10), 61-63
12. ENLIGHTENMENT-IDEOLOGICAL, LINGUISTIC, GENERAL AESTHETIC COMMONALITIES BETWEEN THE TWO PERIOD. KM Alimovna. Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture 2 (3), 128-134
13. The Problem of Development and Enrichment of the Vocabulary of the English Language of Philosophy in XYI Century HM Alimovna. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE 2 (10), 61-63
14. ENLIGHTENMENT-IDEOLOGICAL, LINGUISTIC, GENERAL AESTHETIC COMMONALITIES BETWEEN THE TWO PERIOD. KM Alimovna. Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture 2 (3), 128-134